

Муҳаббатингиз қалбингизда қолиб кетмасин



11:00 / 23.02.2023 2538

Рофиъий айтади:

«Фақиҳ Аби Робиъанинг хотини вафот қилгач, уни дафн қилди. Қўлларини тупроқдан тозалади. Сўнгра уйига қайтиб келиб атрофга боқиб: «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ, иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун», деди. Сўнгра йиғлаб юбориб ўзига-ўзи деди: «Энди ҳовли ҳам ўлди эй Аби Робиъа!».

Хонадон унинг ичида яшайдиган аёлнинг руҳи ила тирик туради. Туйғуларингизни жуфти ҳалолингиздан яширманг. Ҳисларингизни уларга билдиринг. Яхши кўришингизни вақти-вақти билан айтиб туринг. Вафот қилгандан сўнг қабрига бир боғ гул қўйгандан тириклигида пешанасидан битта ўпган яхши!

Муҳаббатингиз қалбингизда қолиб кетмасин. Уни тилингизга чиқаринг, феълингизла кўрсатинг, муҳаббатла яшанг, бошқаларни ҳам шунга даъват қилинг!

Меҳрингизни, соғинчингизни кўрсатинг. Ўлим огоҳлантирмайди. Ярашувга шошилинг. Охири суҳбатингиз қачон бўлишини билмайсиз!

Юмшанг, надомат қилиш кетганни ортга қайтара олмайди!

Абийд ибн Абраснинг айтгани каби бўлманг:

«Ўлганимдан сўнг йиғлашининг фойдаси йўқ, мени топа олмайсан.
Тириклигимда овқат бермадинг!».

Абдулқодир Полвонов